O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
BAXMAL TUMANI
HOKIMI
Q A R O R

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Х О К И М
БАХМАЛЬСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
Р Е Ш Е Н И Е

Pochta indeksi : 131000, O'smat sh. Mutaqillik ko`chasi 42 . Tel: 412-14-46, 412-12-34

2019 йил « 20 » март № 1693 Ўсмат шаҳарчаси

Тумандаги транспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2013 й., 16-сон 197-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли қарорларига мувофиқ транспорт воситаларининг 2019 йилги техник кўригини ташкил қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага, техник кўрикни ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда, ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар — бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниng «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) — бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси — шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5. Мазкур қарорнинг 4-банди «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларнинг техник кўриги:

биринчи марта — 1 апрель — 30 июнда;

иккинчи марта — 1 сентябрь — 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 апрель — 30 июнда;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 9 апрелдан — 31 августга қадар ўтказилсин.

6. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси (А.Сулайманов)га:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички

ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомига мувофиқ йиғим ундирилсин.

9. Туман ички ишлар бўлими (О.Ибрагимов) мажбурий техник кўрик якуни тўғрисида туман ҳокимлигига ахборот тақдим этсин.

10. Ушбу қарор «Бахмал ҳаёти» газетасида эълон қилинсин ва белгиланган тартибда ҳокимликнинг расмий веб—сайтига жойлаштирилсин.

11. Туман ҳокимининг 2017 йил 24 февралдаги 134-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қулжанов зиммасига ва ижросини ташкил этиш туман ички ишлар бўлими бошлиғи О.Ибрагимов зиммасига юклатилсин.

13. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **М.Анарбаев**

Туман ҳокимининг
2019 йил «20» мартдаги
1693-сонли қарорига
1—илова

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси
ТАРКИБИ

т\р	Исми-фамилияси	Лавозими
1.	А.Сулаймонов	Туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори, комиссия раиси
комиссия аъзолари:		
2.	Ў. Маҳкамов	Мудофаа ишлар туман бўлими бошлиғи
3.	Э. Болиев	Жамоатчи автоинспектор
4.	З.Рахматуллаев	«Сирли Самар» МЧЖ раҳбари
5.	Н. Минглибоев	Туман «Агросуғурта» бўлими назоратчиси
6.	Х.Норбоев	Туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси ходими
7.	И.Боқиев	“Ўзавтодарётранс” агентлиги Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Туман ҳокимининг
2019 йил «20» мартдаги
1693-сонли қарорига
2—илова

Техник кўрикни ўтказиш жадвали

Т\р	Корхона ва ташкилот номи	Техник кўригини ўтказиш санаси	Техник кўригини ўтказиш жойи
1	Жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари	09.02.2019й-31.08.2019й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
2	«Бахмал Шаффоф» МЧЖ	01.03.2019 й	«Бахмал Шаффоф» МЧЖ гаражи
3	«Ойкор-транс»МЧЖ	01.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
4	«Парвоз транс»МЧЖ	02.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
5	Бахмал йўловчи ташиш транс х\к	02.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
6	Новқа-Чашмаси х\к	03.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
7	«Мадамин Бизнес Инвест» МЧЖ	03.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
8	Гулбулоқ йўловчи ташиш транс х\к	04.03.2019 й	Гулбулоқ йўловчи ташиш транс х\к гаражи
9	Гулбулоқ педогогика касб-ҳунар коллежи	04.03.2019 й	Гулбулоқ йўловчи ташиш транс х\к гаражи
10	Туман ободонлаштириш бошқармаси	05.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
11	Бахмал тумангаз филиали	05.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
12	Бахмал туман махсус савдо	05.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
13	«Бахмал Голдинг Апле» қўшма корхонаси	07.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
14	«Турон оил Барака»МЧЖ	07.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
15	«Нормат Кулиев» ф/х	08.03.2019 й	Бахмал булоқлари СФУ гаражи
16	Бахмал Ўрмон хўжалиги	08.03.2019 й	Бахмал булоклари СФУ гаражи
17	Бахмал иқтисодиёт касб ҳунар коллежи	08.03.2019 й	Бахмал булоклари СФУ гаражи
18	Қишлоқ касб-ҳунар коллежи	09.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
19	Маиший хизмат коллежи	09.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
20	«Манон ота» кенг-тармоқли хусусий фирмаси	10.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
21	«Бахмал Фаравони» МЧЖ	10.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
22	Бахмал компьютер технологиялари КҲК	10.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
23	«Соат Отабеков» х\к	11.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
24	Бахмал молгузар х/к	11.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
25	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими	11.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи

26	Туман ҳокимияти	12.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
27	Барлос ҚФЙ	12.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
28	Ватанпарвар туман Кенгаши	12.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
29	«Асилбек Ўктам» х\ф	14.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
30	«Искандар Хамидов» КТХФ	14.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
31	«Ал-Жамол» МППФ	14.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
32	Туман тиббиёт бирлашмаси	15.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
33	«Самандар Нурманов» х\ф	15.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
34	Туман ЙХТФПК	15.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
35	Туман Электр тармоқлари	16.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
36	«Голден Фруит Витек» МЧЖ	16.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
37	Жиззах уй жой коммунал хўжалиги	16.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
38	«Сардор Мармари» кенг тармоқли х\ф	17.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
39	«Мехробод»фермер хўжалиги	17.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
40	«Ўсмат Ғишт» МЧЖ	17.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
41	Туман Молия бўлими	18.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
42	«Бахмалобод» МЧЖ	18.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
43	ЖИБ. Бахмал туман суди	18.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
44	«BAXMAL AGROEKSPRT»МЧЖ	19.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
45	«Дусмат-Дурдонаси» х/ф	19.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
46	«Илхом» ф/х	19.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
47	«Бахмал Шароб савдо» УК	21.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
48	«Олим Орзикулов» ф/х	2103.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
49	«Ғиёсиддин Эгамкулов» ф/х	21.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
50	«Хумора Мамаражабова» х/к	22.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
51	«Бобо-Рахим» ф/х	22.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
52	«Элёр» ф/х	22.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
53	«Бахмал-Тенгали» х/ф	23.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
54	«Исфандиёр Искандаров» х/к	23.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
55	«Карим Маматкулов» х/ф	23.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
56	«Бутаева Мавлуда» х/ф	23.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи
57	«Қозимбек Боғи» МЧЖ	23.03.2019 й	«Ойқор-транс» МЧЖ гаражи